“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ

"MULK - SARMOYA
BROKERLIK UYI" AJ

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ ижроия органининг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан ҲИСОБОТИ

Тошкент ш.
2023 йил

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик ишлари бўйича ҳисобот

“MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖнинг асосий фаолияти брокерлик ва депозитар хизматлари хисобланиб, 2022 йил якуни бўйича 1982 та яъни 50 782 046 дона акциялар ёки жами 105 408,7 млн.сўмлик брокерлик битимлари амалга оширилган.



Ўтган йил билан таккослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич 1236 та яъни 17 809 666 дона акциялар ёки жами 124 000 млн.сўмлик битимлар амалга оширилган эди.



Хисобот даврида 1982 та брокерлик битимлари амалга оширилган бўлиб, шундан 1179 таси HTS (home trade system) тизими орқали амалга оширилган битимлардир. Брокерлик фаолиятидан тушган маблағлар 877,8 млн.сўмни ташкил этди.

Ўтган йил билан таккослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич 1236 та брокерлик битимлари амалга оширилган бўлиб, шундан 827 таси HTS (home trade system) тизими орқали амалга оширилган битимлардир.

Бундан ташкари, хисобот даврида жамият томонидан жами 707 та, 337 643 343 дона ёки бўлмаса 2 363,8 млн.сўмлик уюшмаган биржадан ташкари битимлар

рўйхатга олинган. Ўтган йил ушбу кўрсаткич жами 1354 та, 1 617 422 дона ёки бўлмаса 8385,7 млн.сўмлик битимлар амалга оширилган эди.

2022 йилнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

2022 йил якунлари бўйича ялпи даромад – 1998,6 млн сўмни (Бизнес – режа бўйича ялпи даромад 1425,72 млн. сўм миқдорида белгиланган эди) ташкил этди. Ялпи даромад бўйича Бизнес-режа 140,1% бажарилди. Даромадларнинг 1786,1 млн. сўмлик кисми асосий фаолиятдан (депозитарий ва инвестиция воситачиси хизматлари) олинган бўлиб, колган 212,5 млн. сўм молиявий фаолиятдан ва бошқа қўшимча даромадлардан тушган пулдир.

Харажатлар 1518,5 млн сўмни ташкил этди. Бизнес – режа бўйича жами харажатлар 1098,2 млн. сўм этиб белгиланган эди. Бизнес – режага асосан харажатлар 138,2 % ташкил қилди. Харажатлар ошиши асосий сабаби даромад ошгандан сунг доромад солик тулови, комунал туловлари ошиши, ходимларни моддий рагбатлантирилиши ва х.к. тўғри келади.

Ўтган йил билан таккослайдиган бўлсак ялпи даромад – 1803,2 млн сўмни (Бизнес – режа бўйича ялпи даромад 1188,1 млн. сўм миқдорида белгиланган эди) ташкил этганди. Даромадларнинг 1643,1 млн. сўмлик кисми асосий фаолиятдан (депозитарий ва инвестиция воситачиси хизматлари) олинган бўлиб, колган 160,0 млн. сўм молиявий фаолиятдан ва бошқа қўшимча даромадлардан тушган пул эди.

Харажатлар 1396 млн сўмни ташкил этганди. Бизнес – режа бўйича жами харажатлар 956,2 млн. сўм этиб белгиланган эди. Бизнес – режага асосан харажатлар 152,5 % ташкил қилди.



Ҳисобот даврининг соф фойдаси **408,1** млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда 278,3 млн. сўм миқдорида белгиланган эди), ушбу кўрсаткичнинг Бизнес – режа бўйича бажарилиши 146,6 % ташкил қилди.

Ўтган йил якуни билан таққослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич **346,1** млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда 231,8 млн. сўм миқдорида белгиланган эди), ушбу кўрсаткичнинг Бизнес – режа бўйича бажарилиши 149,3% ташкил қилганди.

Жамиятнинг устав фонди **936 254 464 сўмни** ташкил этиб, номинал қиймати 512 сўмдан бўлган 1 828 622 дона оддий акциялардан иборат.

Жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда куйидаги кўрсаткичлар олинди:

- активларнинг рентабеллик коэффициенти 0,18 (*меёр камида 0,05*);
- тўлов қобилияти коэффициенти ёки коплаш коэффициенти 28,35 (*меёр камида 1,25*) ;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,96 (меёр камида 0,2) ;
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти **0,76** (меёр кўпи билан 0,5);
- хусусий маблаглар ва қисқа муддатли қарзларнинг ўзаро нисбати коэффициенти 34,17 (меёр камида 1,0).

Кўриб турганингиздек хамма кўрсаткичлар меёр даражада, факат асосий воситалар эскирган. Ушбу кўрсаткични хам яхшилаш учун эскирган асосий воситаларни сотиш ёки йўқ (списание) қилиш кераклигни билдиради.

Худудий корхоналар

2022 йилнинг 30 декабр холатига “MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖ 2,5 фоиздан 57,3 фоизгача бўлган турли корхоналарда жами 427,9 млн.сўмга яқин улушларга эга. Шундан 9 таси турли вилоятларда “ВАҚТ” номи билан фаолият юритиб келаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналардир.

Бош директор С.Нурметов